



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 29 январь, № 20 (7800)

Жума

Сайтимиэга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ САММИТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 январь кун
Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин билан видеоанжуман шаклида учрашув ўтказди.



Ушбу саммитни ўтказиш тўғрисидаги келишув давлат раҳбарларининг ўтган йил октябрь ойидаги мулоқотлари давомида эришилган эди.

Музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик ришталарини ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари ўрин олди.

Давлат раҳбарлари тadbирни очиб, бир-бирларини самимий куллар эканлар, ушбу саммит кириб келган янги йилда иккала томон учун ҳам биринчи учрашув эканини қайд этдилар. Бу икки томонлама ҳамкорликда жуда юксак даражага эришилганидан яна бир бор далолат беради.

Таъкидланганидек, кўп қирралы Ўзбекистон — Корея муносабатлари, пандемияга қарамаздан, изчил ривожланишда давом этди. Ўтган йили давлат раҳбарлари телефон орқали икки марта мулоқот қилдилар ҳамда Шимолий Иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида биргаликда иштирок этдилар.

Мураккаб шароитларда йирик инвестиция ва савдо лойиҳаларининг амалга оширилиши таъминланди, янги кооперация объектлари ишга туширилди. Жанубий корейлик шерикларнинг кўмаги ва иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган, минтақамиз учун ноб бўлган замонавий

болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази шулар жумласидан.

Ўзбекистон Президенти корейс томони янги коронавирус инфекциясига қарши курашиш борасидаги халқаро савий-ҳаракатларга салмоқли хисса қўшаётганини юксак баҳолади ҳамда ушбу хавфли касалликнинг олдини олиш, унга чалинганларни самарали даволаш ва реабилитация қилишда мамлакатимизга кўрсатилаётган катта амалий кўмак учун миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар борасида сўз юритар эканлар, алоҳида стратегик шериклиكنи янада мустаҳкамлаш ва ҳамкорлиكنи ҳар томонлама кенгайтириш тарафдори эканликларини таъкидладилар.

Мунтазам сиёсий маслаҳатлашувларни давом эттириш ва парламентлараро аламинувларни фаоллаштириш, мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган икки томонлама тadbирлар дастурини тайёрлаш юзасидан келишувларга эришилди.

Олий, касб-хунар ва мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, маданий мерос объектларини рақамлаштириш ва реставрация қилиш соҳаларидаги ҳамкорлиكنинг жорий ва истиқболли дастурлари кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон ҳудудларида Жанубий Корея етакчи университетларининг филиаллари ва кадрларни профессионал тайёрлаш бўйича қўшма марказлар сони ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Мамлакатларимизнинг етакчи олий таълим муассасаларида ўзбек ва корейс тилларини ўқитишни кенгайтиришга, шунингдек, корейс диаспорасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон ва Корея ҳукуматлари ва идоралари даражасида йўлга қўйилган самарали ишлар қайд этилди. Президентлар инвестиция лойиҳаларини илгари суриш ва юзага келадиган масалаларни тезкор ҳал қилиш мақсадида ушбу мулоқотларни давом эттириш топширигини бердилар.

Таъкидланганидек, жорий йилда жанубий корейлик ҳамкорлар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида жами 400 миллион долларгача инвестицияларни ўзлаштириш кутилмоқда.

Бундан ташқари, юқори технологик соҳаларда, шу жумладан, энергетика, нефть-газ, кимё ва нефть-кимё, фармацевтика, қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилмани модернизация қилиш, транспорт ва логистика, туризм ва қўллаб бошқа тармоқларда қўймати жами 3,4 мил-

лиард доллардан зиёд бўлган 55 та янги лойиҳа тайёрланмоқда.

Икки томонлама устувор дастурларни амалга оширишда Иқтисодий ҳамкорлиكنи ривожлантириш фонди (EDCF) ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан самарали шериклик олиб борилаётгани юксак баҳоланди.

Давлат раҳбарлари ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш муҳим эканини таъкидладилар. Кейинги йилларда товар айирбошлашда рекорд кўрсаткичларга эришилди.

Экспорт-импорт амалиётлари ўртасидаги номуносивблиكنи текислаш ва уларнинг номенклатурасини диверсификация қилиш масалаларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмини ошириш учун фитосанитария хизматларининг ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу мақсадда томонлар эркин савдо тўғрисидаги икки томонлама битимни имзолаш бўйича музокараларни бошлайдилар.

Президент Мун Чже Ин Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши масаласига ҳар томонлама кўмаклашишини яна бир бор тасдиқладилар.

Саммит чоғида глобал ва минтақавий аҳамиятга эга масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Томонлар БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида, шунингдек, юқори технологиялар, “яшил” ва рақамли иқтисодиёт соҳаларидаги дастурларни илгари суриш мақсадида “Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми доирасида яқиндан ҳамкорлиكنи давом эттирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Сеулнинг Корея яриморлидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги савий-ҳаракатларини доимо қўллаб-қувватлашини таъкидладилар. Томонларнинг минтақавий ўзаро боғлиқлиكنи кучайтириш бўйича ташаббуслари юксак баҳоланди.

Давлат раҳбарлари экология соҳасидаги ҳамкорлик, шу жумладан, Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Бўлажак олий даражадаги тadbирлар режаси кўриб чиқилди. Президент Мун Чже Ин Президент Шавкат Мирзиёевга ўзи учун қулай бўлган вақтда Корея Республикасида ташриф билан келиш тўғрисидаги таклифини тасдиқладилар.

Саммит якунида “Тўртинчи саноат инқилоби”га кўмаклашиш мақсадида рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум, EDCF билан

ҳамкорлик бўйича уч йилга мўлжалланган 1 миллиард долларлик дастурни амалга ошириш бўйича битим, замонавий кўп тармоқли клиника ва лойиҳавий институт — Кимёвий технологиялар марказини қуриш лойиҳалари бўйича заём битимлари имзоланди.

Бундан ташқари, етакчи компаниялар даражасида мамлакатимиз энергетика инфратузилмасининг муҳим объектларини модернизация қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Давлат раҳбарлари ҳар доимгидек очик, самимий, конструктив ва дўстона муҳитда ўтган саммит якунларидан мамнун эканликларини қайд этдилар.

Томонлар онлайн-музокаралар ўз вақтида ўтказилгани ва натижадорлиги жиҳатидан юзма-юз учрашувлар амалиётидан қўлимаганини таъкидладилар.

Президентлар дўстлик ва кенг қўламли шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш, биродар мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш мамлакатимизнинг жаҳон интеграциясидаги асосий омил эканлигидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. 2021 йил 1 апрелдан бошлаб: интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларидан келиб чиқиб, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисининг фақат тadbиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан қонунчиликдаги **мавжуд чекловлар бекор қилинсин**;

интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатига олиш муддатларини кескин қисқартириш имкониятларини яратувчи **тезкор экспертиза тартиби жорий этилсин**. Бунда интеллектуал мулк объектини муҳофазага олиш учун топширилган талабнома бўйича дастлабки қидирув томонларнинг келишувига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилади.

2. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) фаолиятида интеллектуал мулк объектларига талабномаларни давлат экспертизасидан ўтказиш жараёнида **аутсорсинг усулларини қўллаш тажрибаси** йўлга қўйилсин.

3. Қўйилганлар:

Интеллектуал мулк муҳофазасини мустаҳкамлаш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда).

«Халқ сўзи» учун махсус

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ТАРИХИДА МУҲИМ ВОҚЕА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин ўртасида бўлиб ўтган онлайн-саммит Жанубий Корея ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакилларининг диққат марказида бўлиб турибди.

Ли Кёнг Сик,
«The Korea Post» журнали
президенти ва ношири:

— Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги аънавий дўстона ва сермазмун муносабатлар коронавирус пандемияси туфайли дунёда юзага келган бугунги вазиятга қарамаздан жадвал суръатларда ривожланаётганини мамнуният билан қайд этиш керак. Мамлакатларимиз раҳбарлари ўртаси-

даги бевосита мулоқот алоҳида стратегик шериклик алоқалари ва ўзаро ҳамкорлиكنи янада мустаҳкамлашда бекиёс аҳамиятга эга.

Онлайн-саммит икки томонлама кун тартибининг долзарб масалалари бўйича фикр алмашишга қулай имконият тақдим қилганини таъкидламоқчиман.

Унда эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиكنи



янада изчил ривожлантиришга қўшимча туртки беришига аминман.

Шуни ҳам таъкидлаш кераки, Ўзбекистон Корея Республикаси томонидан «Янги шимолий сиёсат»ни амалга оширишда Марказий Осиёда асосий шерик ҳисобланади.



Давра суҳбати

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ГАРОВИДИР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Наманган давлат университети, Термиз давлат университети, Нукус давлат университети ҳамда Самарқанд давлат университети ҳамкорлигида “Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги: ҳолати ва истиқболлари” мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

“Zoom” онлайн платформаси шаклида ташкил этилган ушбу тadbирда Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси депутатлари, институт ва марказ ҳодимлари, юридик соҳада фаолият юри-

тувчи таниқли олимлар, экспертлар ҳамда амалиётчилар қатнашди.



Мулоқот

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ва БМТнинг Гендер тенглиги ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича тузилмаси (“БМТ — аёллар”) Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари минтақавий директори Алия Эл-Яссир билан видеооконференцалоқа шаклида мулоқоти бўлиб ўтди.

Унда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Хелена Фрейзер ҳам иштирок этди. Тadbир иштирокчилари “БМТ — аёллар” тузилмаси доирасида гендер тенглигини қўллаб-қув-

ватлаш ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича ўзаро ҳамкорлиكنи янада ривожлантириш масалаларини муҳкама қилдилар.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Интеллектуал мулк (ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуқлари) соҳасини ривожлантириш бўйича 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган амалий ишлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг биринчи раҳбарлари зиммасига “Йўл харитаси” ва дастурда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: 2025 йил 1 январга қадар миллий экспорт қилувчилар томонидан чет элда товар келиб чиққан жой номлари (географик кўрсаткичлар)ни рўйхатга олиш бўйича қилинадиган сарф-харажатлари Агентлиكنинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланади; 2021 йил 1 июнга қадар давлат бошқаруви органлари ва давлат корхоналари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари ўзларига тегишли бўлган интеллектуал мулк (муаллифлик ҳукуқи, турдош ҳуқуқлар ва саноат мулки) объектларини тўлиқ ҳатловдан ўтказиб, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиради;

экспорт улуши умумий товар айланмасининг 60 фоизидан ортигини ташкил этадиган экспорт қилувчи, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги ва ҳунармандчилик соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари учун товар белгиларини 2021-2022 йилларда миллий рўйхатдан ўтказиш бепул амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш тарғиб қилинади;

Савдо-саноат палатаси ва Агентлик томонидан йилгига камида бир марта республиканинг ҳар бир маъмурий бирликларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этаётган шахслар учун ўз брендига эга бўлишини афзаллиги бўйича Ўзбекистон ва халқаро миқёсда тан олинган миллий брендлар эгалари бўлган ишбилармонларнинг иштирокида миллий анжуманлар ва мастер-класслар ўтказилади.

5. Агентлик ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 1 октябрга қадар давлат бошқаруви органлари, давлат корхоналари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари ўзига тегишли бўлган интеллектуал мулк объектлари ҳисобини тўғри юритиш, уларга бўлган ҳўқуқларни ҳўжалик муомаласига киритиш, илмий фаолият натижаларни тижоратлаштирилишига кўмаклашишга қаратилган Агентлик ҳузуридаги “Патент платформаси”ни ишга тушириш бўйича тақлифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

мазкур платформада ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат

кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари муҳофаза ҳўжатларида оид маълумотлар батафсил акс эттирилади;

платформа электрон шаклда реал вақт режимида юритилади ҳамда унга тадбиркорлик субъектлари ихтиёрий ва бепул асосда киритилади.

6. Белгилансинки:

энг яхши интеллектуал мулк объектлари яратувчиларини Агентлик томонидан Бўтунжаҳон интеллектуал мулк таъшилотининг махсус муқофотларига тақдим этиш бўйича тавсиялар киритилади;

“Энг яхши интеллектуал мулк объекти” танлови Агентлик томонидан бир йилда бир марта таъшиллаштирилади; “Энг яхши интеллектуал мулк объекти” танлови қолибларига (учта) Агентлиكنинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30, 25, 20 баравари миқдорда пул муқофотлари топиштирилади.

7. Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Агентлиكنинг интеллектуал мулк соҳасига оид фанларни кадрлар тайёрлаш тизимида ҳамда ёш авлод орасида таълим ташкилотлари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларида босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги тақлифи қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, интеллектуал мулк соҳасига оид фанларни кадрлар тайёрлаш тизимида жорий этишининг биринчи босқичида, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилотларида, хусусан, ишлаб чиқариш ва техник, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларидаги таълим йўналишларида илгор хорижий таъриба асосида ҳамда ёш авлод орасида иходкорларнинг меҳнатига бўлган ҳўрмат ҳиссини шакллантиришга қаратилган интеллектуал мулк фанлари жорий этилади ва улар бўйича ўтказиладиган машулотларда соҳада фаолият олиб борувчи амалиётчилар иштирок этиши таъминланади.

8. Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасига илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотларини интеллектуал мулк масаласида иқтисодиёт тармоқлари (енгил саноат, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқалар) билан боғлашни таъминлаш вазифаси юклатилсин.

9. Инвестиционлар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ва виночиликни ривожлантириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, “Хўнарманд” уюшмаси ва “Навоийазот” АЖ 100 та “маҳаллий бренд”ни халқаро рўйхатга олишни ташкил этсин.

10. Савдо-саноат палатаси ҳар бир ҳудудда йилгига камида тўрт марта франшизалар ярмаркаси ва кўргазмаларини ташкил этсин.

11. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим ташкилотларида интеллектуал мулк соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мунтазам равишда ҳисобот бериш тартиби йўлга қўйилсин.

12. Олий суд, Адлия вазирлиги ва Монополияга қарши

курашиш қўмитаси икки ой муддатда халқаро экспертларни жалб қилиб, судьяларни интеллектуал мулк соҳасида ўқитиш дастурини ишлаб чиқиб, йил якунига қадар судьяларни ўқитиш тизимини йўлга қўйсин.

Бунда халқаро ташкилотлар кўмаги остида интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни кўриб чиқувчи судьялар учун чуқурлаштирилган ўқув дастури ташкил этилишига алоҳида урғу берилсин.

13. Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва амалга оширилаётган ишларнинг манзиллилигини таъминлашни кўзлаб, адлия органлари ва муассасалари бошқарув ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ҳудудий адлия бошқармаларининг 11 та ва туман (шаҳар) адлия бўлиmlарининг 17 та штат бирликларини оптималлаштириш ҳисобига Агентлиكنинг тузилмасида:

Интеллектуал мулк ҳўқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш бўлими негизида Интеллектуал мулк ҳўмоясси бошқармаси (кейинги ўринларда — Бошқарма);

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Интеллектуал мулк ҳўмоясси марказлари (кейинги ўринларда — марказлар) ташкил этилсин.

Бунда адлия органларининг ўтказилаётган 28 та штат бирликларидаан 3 таси — Бошқармани, 25 таси — марказларни тўлдиритиш учун йўналтирилади.

14. Белгиллаб қўйилсинки:

Бошқарма марказлар фаолиятига ташкилий ва методик жиҳатдан раҳбарлик қилади;

марказлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари биноларида текин фойдаланиш ҳўқуқи асосида қойлаштирилади;

марказларга ишга қабул қилинадиган ходимлар, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида интеллектуал мулк ва уни ҳўқуқий ҳўмояс қилишининг назарий ва амалий масалаларига оид ўқув дастурлари бўйича таълим олдилар.

15. Марказларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

контрафакт махсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг муомаласига, шунингдек, интеллектуал мулк ҳўқуқларининг бузилишига қарши тизимли ва самарали курашишда бевосита иштирок этиш, хусусан, огоҳлантирув ва тақдимномалар киритиш, маъмурий ҳўқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни тузиш;

жойларда интеллектуал мулк объектларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши билан боғлиқ фаолиятга кўмаклашиш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳўқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

жамиятда интеллектуал мулкка нисбатан ҳўқуқий маданиятни ошириш ва ҳўрмат ҳўссини шакллантириш мақсадида интеллектуал мулк ҳўқуқлари бўйича қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа

норматив-ҳўқуқий ҳўжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг оммага етказиш.

16. Агентлик икки ой муддатда марказларни юқори малакали кадрлар билан, биринчи навбатда, амалий таърибага эга ҳамда зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажаришга қодир шахслар орасидан очик танлов асосида Агентлик томонидан белгиланадиган тартибда тўлдирилишини ҳамда марказлар тўғрисидаги низоmlар ишлаб чиқилишини таъминласин.

17. Мазкур қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ бюджет харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Адлия вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида белгилансин, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилсин.

18. Агентлика ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳўжатларида таққикланмаган бошқа манбалар ҳисобидан: марказлар моддий-техника базасини шакллантириш, шу жумладан, компьютер ва нуска кўчириш техникаси, алоқа воситалари, мебель сотиб олиш;

давлат экспертзасини амалга оширишга миллий, халқаро ва хорижий илмий-тадқиқот, олий таълим ва экспертлик ташкилотларини ҳамда юқори малакали соҳа мутахассислари ва экспертларини шартнома асосида жалб этиш;

Агентлик ҳузуридаги “Патент платформаси”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича сарф-харажатларни амалга ошириш ҳўқуқи берилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳўкуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзғартириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳўжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришни ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

21. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ҳамда шахсий жавобгар этиб адлия вазири Р.К.Давлетов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ҳар ярим йил якуни бўйича ахборот киритиб борилин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 28 январь

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ТАРИХИДА МУҲИМ ВОҚЕА

Ишонч билан айтиш мумкинки, кеча бўлиб ўтган онлайн-саммит мамлакатларимизнинг Буюк Ипак йўли давридан бери давом этиб келаётган дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашдан ўзаро манфаатдорлиги ва ушбу аънаналарга садоқатини яна бир бор намоиш этди.

Ким Сонг Ин, «Жанубий Корея — Марказий Осиё» ҳамкорлик бўйича форуми котибиятининг ижросчи директори:



топмоқда. Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлиги 2019 йилда алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Бугун ўзаро алоқалар юксак чўққига кўтарилган, дейиш мумкин. Ишончим комилки, олий даражадаги онлайн-саммит ҳам ўзаро ҳамкорлик тарихига муҳим воқеа сифатида қиради.

Саммитнинг аҳамияти, айниқса,

пандемия пайтида юқори бўлди, томонларнинг стратегик шерикликини мустаҳкамлаш бўйича нияти яна бир бор тасдиқланди.

Мен Ўзбекистон «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик бўйича форумида муҳим ўрин тутишига эътибор қаратмоқчиман. Ўзбекистон раҳбариятининг сайё-ҳаракатлари тўғрисида форумнинг ҳамкорлик йўналишлари кенгайтирилиб, Марказий Осиё минтақасининг умумий фаровонлиги йўлида янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Форум котибиятининг раҳбари сифатида шуни таъкидлашни истардимки, биз Ўзбекистон билан биргаликда ушбу муҳим кўп қиррали ҳамкорлик майдончасини такомиллаштириш ва Марказий Осиёда барча иштирокчиларнинг манфаатларига жавоб берадиган устувор лойиҳаларни амалга оширишдаги алоқаларни ривожлантиришга тайёرمىз.

Чои Мун Кью, «Hanshin Engineering & Construction Co., Ltd.» компанияси президенти:

— Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларининг онлайн саммити натижалари мазкур мулоқот дўстона муҳида ва самарали ўтганини ифода этмоқда. Олий даражадаги анжуманда Жанубий Корея компаниялари-



ни Ўзбекистонда кўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди, «Тўртинчи саноат инқилоби»га ўтиш жараёнига кўмак бериш мақсадида рақамлаштириш соҳасида ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди.

Уйлайманки, ушбу келишувлар Жанубий Корея ишбилармонлари, шу жумладан, компаниямиз вакиллари учун кенг имкониятлар очади. Биз рақамлаштириш соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз ва Жанубий Корея бу йўналишда Ўзбекистон учун асосий шерик бўлишига аминимиз.

«Тўртинчи саноат инқилоби»

«ақлли» шаҳарлар барпо этишни ҳам назарда тутати. Компаниямиз айнан мазкур соҳада бой таъриба ва илгор технологияларга эга.

Биз Ўзбекистонда амалга оширилаётган қурилиш жараёнларини диққат билан кузатяпмиз. Қурилиш ишлари ҳажми йил сайин ортиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз.

Компаниямиз Ўзбекистон бозорига кириш ва ўз ўрнини эгаллаш учун ўтган йилдан буён ўзбекис-

тонлик шериклари билан инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаол музокара-лар олиб бормоқда. Масалан, Фаргона вилоятининг Қўқон шаҳрида маҳаллий аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлаш мақсадида барча зарур инфрамузилмага эга тураржой мажмуасини қуришни режалаштирганмиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қурилиш ишлари сифатини ошириш, биноларни лойиҳалаш, қуриш ва уларга техник хизмат кўрсатишда халқаро таъриба-ни жорий этишга жиддий эътибор қаратмоқда. «Hanshin» компанияси Ўзбекистон Қурилиш вазирлиги билан ахлит замонавий лойиҳалаш мажмуасини барпо этиш мақсадида вазирлик ҳузуридаги лойиҳалаш ва тадқиқот институтининг давлат улушини сотиб олиш бўйича музокаралар олиб бормоқда. Биз қурилишининг барча босқичида халқаро стандартларга мувофиқ лойиҳалаштириш ва ишлашга қодир лойиҳа-қидирув институтини яратишдан манфаатдормиз.

Икки мамлакат Президентлари ўртасидаги дўстона мулоқот мунтазамлик касб этганини таъкидламоқчиман. Дунёдаги пандемия вази-янига қарамақадан, давлат раҳбарлари турли долзарб маса-лалар бўйича ўзаро фикр алмашиш имкониятини топмоқда.

2020 йилда ҳам Президентлар телефон орқали икки марта мулоқот қилиб, савдо-инвестициявий, молиявий-техник ҳамкорлик маса-лалари ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида биргаликда қилинадиган ишлар ва коронавирус тарқалиши-га қарши курашиш истиқболлари-ни кўриб чиқди.

Онлайн-саммит якунлари Жанубий Корея оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётганига таяниб ҳулоса қилишим мумкин-ки, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкор-лик масаласига алоҳида аҳамият бермоқда. Бу Жанубий Корея ком-панияларига Ўзбекистонлик шерик-лар билан ҳамкорлиқни янада ри-валожлантириш ва мустаҳкамлаш масалаларида кўпроқ ишонч ба-ғишлайди.

2021 йилда Жанубий Кореядан Ўзбекистонга тўғридан-тўғри сар-молярни кўпайтириш ва кўпплаб кўшма лойиҳаларни амалга оши-ришда катта ютуқларга эришили-шига шубҳа қилмайман. «Hanshin» компанияси эса амалга ошири-лаётган лойиҳалар устида ишлашни давом эттирати ва биз мамлака-тимиздаги ишбилармонлари Ўзбекистондаги янги лойиҳалар-да фаол иштирок этишга чор-лаймиз.

«Дунё» АА.
Сейл

Маслаҳатлашув йиғилиши

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

Кеча Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган Миллий маслаҳатлашув йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси Танзила Норбоева кириш сўзи билан қатнашди. Шунингдек, тадбирда БМТ Тараққиёт дастури-нинг Ўзбекистондаги доимий вакили М. Димовска, Олий Мажлис палаталари, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситала-ри вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда юр-тимизда коррупцияга қарши курашиш дав-лат сиёсати даражасига кўтарилди. Жум-ладан, мамлакат ва жамият қурилишининг барча соҳасида коррупциянинг омилларига чек қўйишга қаратилган 70 дан ортқ нор-матив-ҳуқуқий ҳўжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шу билан бирга,

“Коррупциясиз соҳа” лойиҳалари, “Йўл харитаси” ва дастурлар тасдиқланди ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу борада эса Коррупцияга қарши курашиш миллий ке-нгаши ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти, айниқса, самарали бўлаётир.

Шу сайё-ҳаракатларнинг мантиқий даво-ми сифатида коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш бўйича давлати-змизнинг яқин ва ўрта истиқболдаги асосий устувор вазифаларини йўналтиришга қар-тилган яна бир муҳим ҳўжат — Коррупция-га қарши курашиш бўйича 2021 — 2025 йил-ларга мўлжалланган миллий стратегия лойи-ҳаси ишлаб чиқилди. У истиқболдаги беш йилликда коррупциянинг олдини олиш ҳамда

“Коррупциясиз соҳа” лойиҳалари, “Йўл харитаси” ва дастурлар тасдиқланди ҳамда

нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу борада эса Коррупцияга қарши курашиш миллий ке-нгаши ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти, айниқса, самарали бўлаётир.

Шу сайё-ҳаракатларнинг мантиқий даво-ми сифатида коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш бўйича давлати-змизнинг яқин ва ўрта истиқболдаги асосий устувор вазифаларини йўналтиришга қар-тилган яна бир муҳим ҳўжат — Коррупция-га қарши курашиш бўйича 2021 — 2025 йил-ларга мўлжалланган миллий стратегия лойи-ҳаси ишлаб чиқилди. У истиқболдаги беш йилликда коррупциянинг олдини олиш ҳамда

нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу борада эса Коррупцияга қарши курашиш миллий ке-нгаши ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти, айниқса, самарали бўлаётир.

Шу сайё-ҳаракатларнинг мантиқий даво-ми сифатида коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш бўйича давлати-змизнинг яқин ва ўрта истиқболдаги асосий устувор вазифаларини йўналтиришга қар-тилган яна бир муҳим ҳўжат — Коррупция-га қарши курашиш бўйича 2021 — 2025 йил-ларга мўлжалланган миллий стратегия лойи-ҳаси ишлаб чиқилди. У истиқболдаги беш йилликда коррупциянинг олдини олиш ҳамда

нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу борада эса Коррупцияга қарши курашиш миллий ке-нгаши ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти, айниқса, самарали бўлаётир.

нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу борада эса Коррупцияга қарши курашиш миллий ке-нгаши ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти, айниқса, самарали бўлаётир.

Шу сайё-ҳаракатларнинг мантиқий даво-ми сифатида коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш бўйича давлати-змизнинг яқин ва ўрта истиқболдаги асосий устувор вазифаларини йўналтиришга қар-тилган яна бир муҳим ҳўжат — Коррупция-га қарши курашиш бўйича 2021 — 2025 йил-ларга мўлжалланган миллий стратегия лойи-ҳаси ишлаб чиқилди. У истиқболдаги беш йилликда коррупциянинг олдини олиш ҳамда

нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу борада эса Коррупцияга қарши курашиш миллий ке-нгаши ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти, айниқса, самарали бўлаётир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

БМТнинг Хотин-қизлар ҳолати бўй-ча комиссиясининг 65-сессия-сига тайёргарлик қўриш юза-сидан 2021 йил февралига мўлжалланган субмитақавий маслаҳатлашувларнинг ташки-лий масалалари ҳақида фикр алмашилди.

Алия Эл-Яссир Ўзбекистон қисқа вақт ичида катта тарақ-қиёт йўлини босиб ўтгани ҳамда сиёсий ва иқтимоий-иқтисодий соҳаларда салмоқ-лий натижаларга эришганлиги-ни мамнуният билан таъкид-лади. Жумладан, у Ўзбекис-тон раҳбариятининг бошқа дав-латлар учун намуна бўла ола-диган ташаббуслари ва сайё-ҳаракатлари бизни ҳайратга солмоқда, дея қайд этди.

Ўзбекистонда гендер тенг-лиқни таъминлаш соҳасида қўрилаётган чораларни, ижти-моий-сиёсий ҳаётга хотин-қиз-ларни кенг жалб этиш қўллаб-қувватланаётганини юқори ба-ҳолаб, “БМТ — аёллар” тузил-маси минтақавий директори мамлакатда мазкур йўналиш-

да салмоқли натижаларга эришилганини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Алия Эл-Яссир “Марказий Осиё мамлакатла-ри етакчи аёлларининг муло-қоти” норасмий платформаси ташкил этилишини қўллаб-қув-ватлади. Унинг сўзларига кўра, мазкур платформа минтақада-ги хотин-қизларнинг ҳўқуқ ва имкониятларини кенгайтириш-га кўмаклашади.

“БМТ — аёллар” тузил-маси минтақавий директори “Тенг-лий авлоди” форумига тайёр-гарлиكنинг бориши тўғрисида ҳам маълумот берди.

Учрашувда томонлар пан-демиядан кейинги даврда ҳам хотин-қизларга ёрдам кўр-сатиш, субмитақавий ва гло-бал даражадада 2030 йилга-ча даврда Барқарор ривожла-ниш соҳасидаги режалар ва вазифаларни бажариш бора-сида ўзаро ҳамкорлик ва бир-галикда амалга ошириладиган иш

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУНЛАР АҲОЛИ ҲАЁТИГА ИЖОБЎЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШИ КЕРАК

Парламентда қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари аҳолининг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиши, мавжуд муаммоларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ечим топишига хизмат қилиши керак. Бу эса депутатлардан муҳокамаларда фаол қатнашиш, халқ манфаатларини дадил илгари суришни тақозо этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кунги кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида фуқаролар ҳуқуқлари кафолатлаш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш, тарихий-маънавий меросимизни асраб-авайлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда Халқлар дўстлиги кунини нишонланади

Депутатлар “Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, Ҳаракатлар стратегиясида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, вазмин, ўзаро фойдали ҳамда конструктив таъқи сиёсатни амалга ошириш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувлиқни сақлаш, фуқаролар онгига катта, қўл миллатли ягона оилага мансублик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ҳамда дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш мақсадига Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 15 ноябрдаги Фармони билан Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси ҳамда уни 2019 — 2021 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Ушбу концепция ва “Йўл харитаси”нинг ижросини мувофиқлаштириш ишлари қўмита томонидан амалга оширилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан мамлакатимизда 30 июль — Халқлар дўстлиги кун сифатида нишонланиши белгиланяпти. Бу кунни бай-

рам қилишдан асосий мақсад — инсонлар, халқлар, давлатлар, умуман олганда, жамиятнинг турли қатламлари ҳамда тузилмалари ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, миллатлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш ва дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришдан иборат.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги: ҳуқуқбузарликлар учун қандай жавобгарлик белгиланмоқда?

Халқ вакиллари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чоралари енгиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қондeксига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилидлар.

Қайд этилганидек, биринчи ўқишдаги муҳокамаларда сиёсий партиялар фракциялари томонидан билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ишчи гуруҳ аъзолари берилган таклифлар асосида лойиҳани пишиқ-пхта ҳолатга келтирди. Шунингдек, уни маромига етказиш учун матни парламент қўли палатасининг расмий веб-сайтига жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Билдирилган таклифлар лойиҳада ўз аксини топди.

Йўлларга, темир йўлдан ўтиш жойларига,

йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказиш, шунингдек, йўл ҳаракатига қасддан, жумладан, йўл қорламасини ифлослантириш орқали ҳалал бериш, худди шунингдек, автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, айрим ишлар учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек, йўлларни сақлаш қондаларини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдориди, мансабдор шахсларга эса — ун баравари миқдориди жарима солиш лойиҳада белгиланяпти.

Шу билан бирга, нормаларга мувофиқ, поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шахар йўловчилар транспортдан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш — базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдориди жарима солишга сабаб бўлади.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жарималар миқдорини айбдорлик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш ҳамда зарур инфраструктура мавжуд бўлмаган ва мажбурлиқдан содир этилган қондбузарликларга нисбатан жарималар миқдорини енгиллаштиришга асос яратади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Давлат тилининг мақоми қонунда акс этади

Мажлисида депутатлар томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, Конституциямизнинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили экани белгиланган. Бирок ҳуқуқни қўллаш амалиётида давлат тилини татбиқ этиш билан боғлиқ муносабатларда айрим камчиликлар кузатилмади. “Давлат тили ҳақида”ги Қонунда эса унинг амалга оширилишини таъминлайдиган, бу соҳада ягона давлат сиёсати-

ни олиб борувчи махсус давлат органи ва унинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ масалалар умуман ёритиб берилмаган. Давлат хизматчиларига нисбатан давлат тилини би-лишга оид талабларнинг белгиланмагани ҳам ушбу қонуннинг амалда самарасиз иш-лашига олиб келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг тўғридан-тўғри татбиқ этилишини таъминлаш мақсадига мазкур ҳужжатнинг янги тахрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ҳўш, қонун лойиҳасида қандай нормалар акс этмоқда?

Қайд этилишича, унда давлат тилини ривожлантириш соҳасидаги мамлакат сиёсатининг асосий йўналишлари, Вазирлар Маҳкамасининг, давлат органлари ва ташкилотларининг бу борадаги ваколатлари на-зарда тутилган. Ушбу ваколатларнинг қонун даражасида мустаҳкамланиши барча соҳа-да адабий тил меъёрларига риоя этилиши-га хизмат қилади.

Шу билан бирга, лойиҳада давлат органлари ва ташкилотлари, таълим, маданият, ноширлик соҳалари фаолиятида ҳамда оммавий ахборот воситаларида, географик объектлар номларида, фуқаролар исмлари-да, муҳр, тамга ва кўргазмалли маълумот-ларда, халқаро муносабатларда давлат ти-лининг қўлланилиши акс этмоқда. Бу ўзбек тили билан боғлиқ тарихий-маънавий ме-росимизни асраб, келгуси авлодларга ет-казилишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Бундан ташқари, давлат тили тўғриси-даги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ус-тидан жамоатчилик назорати кўзда тути-лаётгани баробарида, мазкур қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳам белгиланяпти.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши давлат тили ик-тимой ҳаётнинг барча соҳасида қўллани-лишига, унинг ривожланиши ва оммалашу-вига катта туртки беради.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

Парламент дипломатияси

Ўзбекистон — Индонезия: МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР ЯНГИ БОСҚИЧДА РИВОЖЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Индонезия парламенти Вакиллар палатаси парламентлараро қўмитаси раисининг ўринбосари Мардани Али Сера бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Куйи палата Спикери ўринбосари Алишер Қодиров делегация аъзоларини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди.

Меҳмонлар мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёни билан таништирилди. Давлат ва жамият курилишини такомиллашти-риш, қонун устуворлигига эришиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, диний бағрикенгликни таъминлаш ва ўзаро манфаатли, амалий таъқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларда амал-га оширилаётган ишларга батафсил тўхталиб ўтилди.

Учрашувда парламентлараро ҳамкор-ликни ривожлантириш масалалари му-ҳокама қилинди. Таъкидлаш лозим, айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасида “Ўзбекистон — Индонезия” дўстлик гуруҳи фаолият олиб бормоқ-да. Ўз навбатида, Индонезия парламен-тида ҳам Ўзбекистон билан парламент дўстлик гуруҳи тузилган. Ўзаро муноса-батларни фаоллаштиришда мазкур дўстлик гуруҳлари кундан кенг фойдала-ниш, аynиқса, қонун ижодкорлиги йўналишидаги алоқаларни чуқурлашти-риш юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида, шунингдек, савдо-иктисодий ва инвестициявий муштарак-лик масалаларига ҳам эътибор қара-тилди. Индонезиянинг сайёҳлик со-ҳасини ривожлантириш бўйича улкан тажрибасини ҳамда Ўзбекистоннинг ту-ристик салоҳиятини ҳисобга олиб, ушбу соҳада доимий шериклини йўлга қўйиш ва бу борада ҳали фойдаланилмаган

кенг имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Таъкидланганидек, 2018 йилнинг 10 февралидан Индонезия фуқаролари учун 30 кунга визасиз таъриб жорий этилган, шу каби имтиёз Ўзбекистон фуқаролари учун ҳам мавжуд.

Меҳмонлар Ўзбекистон — Индоне-зия парламентлараро ҳамкорлигини ри-вожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш имконияти яратилгани муноса-батларни янги босқичга олиб чиқишда туртки бўлишини таъкидлаб ўтди.

— Ўзбекистон — улуг алломалар, оли-му фузалолар юрти, қадимий обидалар-га бой мамлакат, — деди Индонезия парламенти Вакиллар палатаси пар-ламентлараро қўмитаси раисининг ўрин-босари Мардани Али Сера. — Бунга кеча Самарқанд шахрига зиёратимиз чоғида яна бир қарра амин бўлдик. Та-ассуротларимиз бир олам. Самарқанд-да кўплаб мадрасалар, макбаралар эътиборимизни тортди. Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиб, кўнгилмиз ёришди. Ўзбекистонда зиёрат туризми-ни ривожлантириш учун жуда катта им-кониятлар мавжуд. Биз, албатта, бу бо-рада ҳамкорлик қилишга тайёримиз. Шу-нингдек, таълим ва диний соҳалар, аг-рар, иқтисодиёт йўналишлари бўйича ҳам алоқаларни янада мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратамиз.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чикарувчи органлари ўртасидаги ҳамкор-ликка қаратилган масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди, парламентарий йўна-лишда турли даражадаги учрашувларни фаоллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Р. ОТАМУРДОВ
(«Халқ сўзи»).

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ГАРОВИДИР

Таъкидланганидек, миллий сайлов қонунчилигимизни такомил-лаштириш, уни умумэтироф этилган халқаро стандартларга муво-фиқлаштириш ва демократик ислохотларга уйғунлаштириш, мамлакатимиз-нинг сиёсий нуфузини янги босқичга кўтариш, халқаро рейтинг ва индекслар-даги ўрнини янада яхшилаш асосий вазифалардан биридир. Шунингдек, 2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларида юзгага келган бир қатор камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш, халқаро ташкилотларнинг айрим

Сўз — иштирокчиларга

Абдуманнон ТўЛАГАНОВ,
юридик фанлар доктори:

— Ҳаракатлар стратегия-сининг асосий мақсадлари доирасида умумэтироф этилган демократик талаб ва принципларни ҳисобга олган ҳолда давлатимиз тарихида биринчи марта Сайлов кодекси қабул қилинди, сайлов ташкилот-чилиги ва иштирокчилари-нинг эркин фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилди, Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатининг фаолият кўрсатиши қонуний тартибга солинди ва синовдан ўтказилди.

Энг муҳими, Сайлов кодекси илгари мавжуд бўлган 5 та қонунни ўзига биришлатирди. Унга ўттиздан ортқ янги қондалар, жумладан, халқаро ташкилотларнинг қатор таклифлари асосида ишлаб чиқилган нормалар киритилди.

Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси миллий сай-лов қонунчилигини янада такомиллаштириш, уни жаҳон стандартларига мослаштириш, мамлакатимиз халқаро демократия индексларидаги мавқеини изчил ошириш учун мўлжалланган.

Қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бораси-да, биринчидан, лойиҳанинг 6-моддаси учинчи қисмида “Сиёсий партиялар сайлов кампанияси даврида Ўзе-бекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилди-ган маблағлар учун ҳисобварақ очилди” деб аталди-ган жумлани “ҳамда барча келиб тушадиган маблағ-лар учун мўлжалланган” деб тўлдириш, *иккинчидан*, сайлов натижаларини эълон қилиш мuddатлари асоси-зи қўйилишининг олдини олиш мақсадига сайлов ко-миссиялари қарорлари устидан шикоят мuddати 10 кун-дан 5 кунга қадар қисқартириш тушунчаси 7 кун (бир ҳафта) этиб белгиланишини мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

Мурод ТУРҒУНОВ,
юридик фанлар номзоди:

— Қонун лойиҳаси бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Шундан бири, у Қонунчилик пала-тасига Марказий сайлов комиссияси ёки Ҳукумат томонидан эмас, балки де-путатлар гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббусини амалга ошириш доираси-да тақдим этилгани бўлди.

Қолаверса, лойиҳа аҳоли иштирокида кенг муҳокама этилишини ҳисобга олган ҳолда “қонуннинг ягона манбаи ва муаллифи бўлиши керак” тамойили асосида ишлаб чиқилди. Бу депутатларнинг фаолияти ва ташаббускорлиги ошга-нидан далолат беради. Шунингдек, миллий сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, уни қабул қилинган халқаро андозаларга мувофиқ олиб бориш мақсадига АҚШ, Швейцария, Испания, Франция, Германия каби йилгирмадан ортқ хорижий давлатларнинг сайлов ҳуқуқи борасидаги тажрибаси чуқур ўрганилди.

Миллий ва хорижий экспертлар тавсиялари асоси-да сайлов комиссияларининг мустақиллиги, эркинли-гини таъминлаш, уларнинг мақомини қонун билан мустаҳкамлаш, маҳаллий сайлов комиссияларини оптималлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сай-лов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари институти тугатилмоқда ва уларнинг ваколатлари туман (шаҳар)

сайлов комиссиялари зиммасига юкланмоқда. “Опти-мизация” натижасида 54 мингдан зиёд аъзолардан иборат 5 минг 739 та округ сайлов комиссияси тугати-лаган. Бу инсон ресурслари тежалади, ортқича ва ке-раксиз оворагарчиликка барҳам берилади, деганидир.

Маъруф УСМОНОВ,
фалсафа фанлари доктори:

— Қонун ташаббуси би-лан чиққан депутатлар гу-руҳи таркибидида сиёсий партиялар вакиллари мав-жудлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Яъни қонун лойиҳаси мамлакатдаги сиёсий қўлларнинг мамла-кат сайлов қонунчилиги ва амалиётини янада ри-вожлантириш бўйича консенсуси натижасидир.

У 2020 йил февралдан бошлаб Қорақалпоғистон Рес-публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сиёсий партиялар, уларнинг электоратлари ҳамда фаоллари, сайлов органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида кенг муҳокамадан ўтказилган.

Тегшли давра суҳбатлари, учрашувларда сайлов комиссиялари тизими ва ҳуқуқий мақоми, сайловга доир қонунчилик, сайловларнинг календарь режаси ҳамда амалга ошириш мuddатлари, сайлов бюджети, халқаро ҳамкорлик, сиёсий партияларнинг сайловлар-даги иштироки, депутатлик номзодларни рўйхатга олиш, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ва сай-ловчиларни рўйхатга олиш жараёни, сайловларнинг очқ-лиги ҳамда ошқоралигини таъминлаш каби масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли таклифлар олин-ган. Ушбу таклифлар қонун ташаббускорлари томони-дан ййиб, таҳлил қилинган, тизимланган ва қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда инобатга олинган.

Қонун лойиҳасида ҳам фуқароларнинг сайловда фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳойлашган ҳойи ва вақтинчалик яшаш ҳойидан қатъи назар, сайлов ҳуқуқла-рини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бунга мисол қилиб, 2019 йилги сайлов-ларда Россия, Корея Республикаси ва Қозғистонда фаолият юритаётган 90 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқаролари кўча сайлов қутиларидан фойдаланган ҳолда овоз берди. Лойиҳага хорижий давлатларда бўлган фуқароларни сайлов рўйхатига киритиш ва хорижий давлатда сайловчининг яшаш ҳойида овоз бериш тартибини белгилашга бағишланган иккита алоҳида модда киритилган.

Абдулло АСЛОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси:

— Қонун лойиҳасининг муҳокамаси ёшлар ораси-да нҳоятда қизғин давом этмоқда.

Хусусан, бу борада ало-ҳида сўровнома ўтказилди. Иккита саволдан иборат бўлган сўровда бир кун да-вомида 911 нафар респон-дент иштирок этиб, “Қонун лойиҳаси ҳақида хабарин-гиз борми?” саволига ак-сарияти, яъни 637 нафар респондент ижобий жавоб берган. “Қонун лойиҳасига муносабатингиз?” саволи-га 719 нафар респондент ижобий жавоб берган бўлса, 71 нафари салбий ҳамда 121 нафари бирор нарса дейишга қўйналаман, мазмуниди жавоб айтган.

мақбул тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар муҳиятини халқаро ҳамжамиятга етказиш зарурлиги қайд этилди.

Анжуамда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Сайлов қонунчили-ги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Умуман олганда, миллий сайлов қонунчилигини умум-этироф этилган халқаро сайлов стандартларига яна-да мувофиқлаштириш ҳамда сайлов жараёнида ёшлар-нинг қизиқишини ошириш — пировард мақсадимиз.

Жўрабой ТОШКУЛОВ,
юридик фанлар доктори:

— Мамлакатимиз худ-дида сайловлар азалдан амалга ошириб келинган. Бу кечаги ёки яқин тари-химиздаги воқеали эмас. Халқаро ҳамжамиятда Буюк Британия парламен-таризмининг ватани, деб тан олинса-да, ўтказилган тадқиқотлар ўлкамизда қадимги замондан бошлаб

кенгашлар, қўрултоғлар фаолият юритганини, ушбу органларга муносиб вакиллар сайланганили, улар жа-мий ҳаётига катта таъсир кўрсатганилини, умуман олганда, демократик сайловлар тизими мавжуд бўлган-лигини исботлайди.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихида сайловлар билан боғлиқ бой тахрибалар бисёр. Масалан, Даван давлати, Ўрта асрларда мавжуд мамлакатлар, Темиурлар салтанати ва бошқалар тарихига назар солсак, давлат бошлиқларининг сайловлар асосида ҳокимият тепасига келиши, ўзига ҳок парламентлар фаолият юритганини, уларнинг жавобгарликлари торти-лиш масалалари, уларга нисбатан ишонсизлик (импичмент) эълон қилинишининг мумкинлиги билан боғлиқ қондалар мавжудлигига гувоҳ бўламиз.

Қўпгина давлатлардаги Оқоқорлар кенгаши эса кат-та мавқега эга бўлиб, мамлакат сиёсий ва иқтимоий ҳаётига жуда катта таъсир кўрсатганлигини, давлат бош-лиқларини жавобгарликлари торта олганини, уларнинг ҳатто, ҳокимиятдан четлаштирилиши билан боғлиқ таж-рибаларни кузатиш мумкин.

Феруза ҲАМДАМОВА,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори:

— Амалдаги қонунчилик-ни такомиллаштиришда умумий тенденцияларни инобатга олиш лозим. Биринчидан, бугунги кунда қонунчиликни такомил-лаштиришда инобатга оли-надиган ва таъсир кўрса-тувчи энг асосий омиллардан бири — рақамлаштириш мезонларидир. Шу боис сайлов жараёнидаги рақам-ли технологияларни жорий қилиш масаласини ўрганиб чиқиш керак. Бу борада хорижий тажрибага назар соли-лиш мақсадга мувофиқ.

Масалан, Россияда бугунги кунда “Мобиль сайлов-чи” механизми мавжуд, рақамли сайлов унчасларини ташкиллаштириш бўйича чоралар қўрилмоқда, журна-листлар учун рақамли гувоҳномалар жорий этиш маса-ласи ўрганилмоқда.

Ҳажон тажрибасида “электрон овоз бериш”, “сай-лов жараёниларни автоматизация қилиш ва рақам-лаштириш”, “электрон референдум” тушунчалари қонун-чиликка татбиқ этилган.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари нўқтаи назаридан таҳ-лил қилсак, асосий тенденциялардан бири аҳолининг барча қатламини иқтимоий-сиёсий жалб қилиш ҳисоб-ланади. Волонтерлар, ёшлар, аёллар ва ногиронлиги бўлганларнинг сайловда иштирокини таъминлаш зарур.

Шундан келиб чиқиб, сайлов қонунчилигига “элек-трон овоз бериш”, “сайлов жараёниларини автоматиза-ция қилиш ва рақамлаштириш”, “электрон рефе-

Лавиза ИСҲАКОВА,
юридик фанлар номзоди:

— Қонун ташаббускор-лари партияларни сайлов-ларда молиялаштириш ма-салаларига алоҳида эъти-бор қаратган. Бу нақалар аҳамиятлилигини АҚШ таж-рибаси ҳам кўрсатиб ту-рибди. АҚШда сайловлар-га оид қонунчиликда партияларни молиялашти-ришга бошқа масалалар-ни ҳисобга олиб қаратилади.

Хорижий экспертларнинг фикрича, сиёсий партия-ларнинг сайловдаги фаолияти молиялаштириш ва ҳисоб-бат бериш жараёнлари орқали тартибга солиниши лозим.

Лойиҳада сиёсий партияларни молиялаштиришни тартибга солиш масалалари батафсил ёритиб берилган:

- молиялаштириш миқдори Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва Давлат Бюд-жетидан ажратилган маблағлар учун очилган ҳисоб-варағига белгиланган тартибда ўтказилади;
- молиялаштириладиган тadbирлар аниқ белги-ланган (сайловолди ташвиқоти, ишончли вакиллар-нинг иштироки, сайлов кампаниялари учун умумий партия тadbирлари);
- ҳисобот органлари ва ҳисобот шаклини белги-лайдиган органлар аниқ кўрсатилган;
- сиёсий партиянинг ҳисоботлари унинг расмий веб-сайтида ва босма нашрида эълон қилинади;
- шаффофликка эришиш учун Ҳисоб палатаси-нинг сиёсий партиялар молиявий фаолиятини текши-риш натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Қонун лойиҳасида “Сиёсий партияларни молия-лаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 8, 10, 16, 18-моддаларига тақриф қилинаётган ўзгаришларда чет эл тажрибасидан фойдаланишга алоҳида эътибор қара-тиш лозим.

Елизавета КУТТИБАЕВА,
юридик фанлар доктори, Қорақалпоқ давлат университети юридик факультети декани:

— Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш шароитида сайловлар институти демократияни амалга оширишини ҳақиқий механизмга айланмоқда. Бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон дек-ларациясининг қондалари билан ҳам тасдиқланган.

Қўп партиявийлик тизи-мини мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар фаолигини ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш мақарий фуқаролик жамиятини шакллантиришининг муҳим шартларидан биридир. Сайловларни молия-лашти

